

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 14-sentabr, shanba № 71 (15709)

ШХТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-13 сентябрь кунлари Бишкекда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни бўлиб ўтди. ШХТга аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШХТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишининг самарали йўлларини биргаликда топиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

Ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, замонавий сиёсат ва иқтисодиётнинг бугунги ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётган шиддатли жараёнлар рўй бераётгани қайд этилди. Глобал хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашиш, ШХТ маконида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол ҳамда изчил курашмоқда. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликнинг норматив базасини янада такомиллаштиришни қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида мажлис иштирокчилари эътиборини Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Хунрезликлар Суриядан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик даркор. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмайди, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокара-лар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг муросага келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни фақат икки томонлама асосда йўлга қўяди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-коммуникация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШХТ Тараққиёт жамғармаси ва Ривожланиш банкини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келганини қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш, экологик муаммоларни ҳал этишда ШХТ салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллахонов фотокolleжи

Kelajakka qadam

Камолотга элтувчи кўприк

2013-2014 ўқув йилида республикамиздаги 628425 нафар умумтаълим мактаб ўқувчиси «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилинади. Бу йил илк бор улар учун «Камалак» болалар ташкилоти рамзи туширилган аъзолик кўкрак нишонлари тайёрланди.

Ушбу кўкрак нишони сариқ рангдаги латун (мис ва рух қотишмаси)дан қизил, сариқ ва кўк ранглардаги камалак шаклида тайёрланган. Камалак шакли юқоридан пастга оғиб турган ҳолда тасвирланиб, баландлиги ўн миллиметр, эни ўн беш миллиметр, қалинлиги эса бир миллиметр. Камалак тасвиридаги

юқоридан биринчи йўл — ҳаворанг, ўртадаги йўл сариқ, пастдаги йўл қизил рангдан иборат. Камалак тасвири ранглари тегишли тартибда «Камалак» болалар ташкилоти рамзидаги рангларга мос келади.

Ушбу нишон кўкракнинг чап томонига давлат мукофотлари ва унвонларидан кейин тақилади. Маз-

кур кўкрак нишони эгасининг Ҳаракат аъзоси эканини ифодалайди.

Айни кунда мактабларда «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири қадимий ва навқирон Самарқанднинг Регистон майдонида ташкил этилди. «Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда шаҳардаги ўн бешта умумтаълим мактабининг 168 нафар ўқувчиси тантанали равишда «Камалак»ка қабул қилиниб, уларга аъзолик кўкрак нишони тақилди.

(Давоми 3-бетда)

(Давоми,
боши 1-бетда)

ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

Саммит иштирокчилари миллий иқтисодийларни янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташуш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агросаноат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. ШҲТ маконида яшаётган халқлар манфаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган ил-

мий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз

ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзолادилар.

Саммитда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг учрашуви бўлди.

Икки давлат раҳбарлари ШҲТ саммитини юксак савияда тайёрлаш ва ўтказиш борасида Қирғизистон томони амалга оширган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр алмашдилар.

Президент Ислам

Каримов давлат раҳбарлари даражасида имзоланган учун тайёрланган ШҲТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки томонлама транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ таклиф ва чоратадбирларни муҳокама қилдилар.

Чегара ҳудудларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, икки давлатнинг яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлган бошқа масалалар юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

Ўзбекистон ёшларининг фахри

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Ўтмиш, бугунги кун, келажак — аждодлар, замондошлар, ёшлар. Замонлар ва авлодлар ўртасидаги ўзаро ришталарнинг ифодаси бўлган мазкур тушунчаларни айнан шундай кетма-кетликда келтириш мумкин. Ўзбекистон ўзининг бой тарихи, жаҳонга донғи кетган машҳур аждодларимизнинг буюк мероси билан ҳам Шарқнинг ҳақиқий гавҳари сифатида ном қозонган. Бугун биз, ёшлар, замондошлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аждодларимизнинг ушбу бой меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада бойитиш, фидокорона меҳнатимиз ва интилишларимиз билан барча соҳаларда давлатимиз куч-қудратини юксалтириш йўлидан бормоқдамиз ва буюк келажак пойдеворини курмоқдамиз. Зеро, Ватанимизнинг эртанги куни айнан, биз, ёшларга боғлиқдир.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида «... биз ўз олдимизга қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман», деб алоҳида таъкидла-

ди. Ушбу сўзлар мамлакатимизда баркамол авлод келажакга нечоғли юксак эътибор берилаётгани ва ишонч билдирилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, 1991 йил 20 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун мустақил давлатимизда қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан биридир. Мазкур қонуннинг 1-моддасида ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфатлари йўлида имкони бори-ча тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат экани қайд этилган. Ушбу вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш давомида ёшларимиз дунёнинг турли давлатларидаги тенгдошларидан ҳеч нарсадан ҳеч қачон кам бўлмаслиги учун барча зарур шароит яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қиладиган тегишли қонунчилик базаси яратилди, интеллектуал са-

лоҳиятини оширишга улкан эътибор қаратилаётир. Бу борада қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилгани юксак самаралар бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юрларида жаҳон тажрибаси инobatга олинган ҳолда такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий дунёқараш, ижодий ҳамда шахсий фазилатларга эга ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилаётир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси ва бошқа стипендиялар таъсис этилгани бунинг ёрқин тасдиғидир. «Янги авлод» ва «Келажак овози» республика танловлари мунтазам ўтказилмоқда. Истеъдодли ва умидли спортчиларни аниқлаш мақсадида уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари ташкил этилди.

Ёшларга кўрсатилаётган бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз йигит-қизлари халқаро миқёсдаги танловлар, мусобақалар ва бошқа нуфузли тадбирларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Истиқлол шарофати билан ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имкониятига эга бўлганимиз туфайли жисмонан соғлом, маънавий етуқ, ҳар томонлама билим ва бугунги кунда талаб этилади-

ган касб-хунарга эга ақл-заковатли баркамол авлодни тарбиялашга доир ана шундай изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам табригидаги биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган даъвати ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларни катта ҳаяжонга солди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг табрик сўзини телевизор орқали катта ҳаяжон билан тингладим, — дейди «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг етакчиси Умидахон Ғофурова. — Юртбошимиз мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти, халқимиз ўз орзу-умидларига эришиш борасида босиб ўтган мураккаб йўл, бугун биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ҳақида гапирар экан, биз, ёшларга катта ишонч билдирди. Бу борада ҳар бир йигит-қиз ўз Ватани олдидаги улкан масъулиятни чуқур англаши лозим, деб ўйлайман. Шу боис Президентимиз айтган сўзларнинг маъно-моҳиятини тенгдошларимизга етказиш учун ёшлар ўртасида фаол тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида 30 ёшгача бўлган 4,8 минг нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётир. Уларнинг 3,5 минг нафари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аъзоси. «Камолот» уларга ўз ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини тушуниш, турли лойиҳаларда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратишда кўмаклашмоқда. Шу кунларда корхона цехларида давлатимиз раҳбарининг байрам табриги ва ёшларга му-рожаатини ўрганишга бағиш-

ланган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати асослари, бу борада эришилган ютуқлар кенг ва атрофлича тушунтирилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашидан маълум қилишларича, бундай тадбирлар барча ҳудудий кенгашлар ва бошланғич ташкилотларда ўтказилмоқда. Бу эса Ҳаракатга аъзо 5,5 миллиондан ортиқ йигит-қизнинг барчасини тўла қамраб олиш имконини беради. Мазкур ишларни мувофиқлаштириш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларининг чиқишлари давлатимиз раҳбарининг табрик сўзларини кенг ўрганиш борасидаги яна бир фаолият йўналишларидандир.

Мамлакатимиз ёшлари ўзларининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсиб-улгайиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган озод ва обод Ўзбекистонда яшаётгани билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бироқ улар бундай до-риломон кунларга етиш учун қанчалик машаққатли йўл босиб ўтилганини ҳам унутмайди. Бугун ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, атрофда рўй бераётган воқеаларни теран англайдиган, янгиликларни фикрлайдиган, ўз келажакини жамиятимиздаги демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз истиқболини эса жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаши билан боғлайдиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Буларнинг барчаси эса мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий туб ўзгаришларга ҳеч қачон тўсиқ бўла олмаслигининг ишончли кафолатидир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Навбат финалга

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Kamolot»-tur» ёшлар веломарафонининг вилоят босқичлари ўз ниҳоясига етди. Марафон ҳар бир ҳудудда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Иштирокчилар сони ўтган йилгидан анча кўп. Бу ҳақда ҳудудлардан келаётган хабарлардан билиб олаяпмиз. Бугун ёшларнинг соғлом турмуш тарзини танлашида веломарафоннинг алоҳида ўрни бор.



СИРДАРЁ

Веломарафоннинг Гулистонда ўтган вилоят босқичида туман ва шаҳарлардан келган уч юздан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

Сайхун кўчасидан старт олган велосипедчилар Алишер Навоий шоҳкўчасидаги Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театригача бўлган йигирма километр масофани босиб ўтди. Уларни ўқувчилар, талабалар ҳамда маҳалла ёшлари олқишлаб турди.

Ғолиблар уч ёш тоифаси бўйича аниқланди. Унга кўра, 9-14 ёшлилар ўртасида Азиз Баҳромов, 15-17 ёш тоифаси бўйича Дилшод Ҳотамов, 18-30 ёшлилар ўртасида Азиз Қурбонов биринчи бўлиб маррага етиб келди. Улар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ўттиз нафар фаол иштирокчи «Энг ёш пойгачи», «Фахрий велопойгачи», «Энг маҳоратли техник велопойгачи», «Энг иродали велопойгачи», «Энг маҳоратли велопойгачи қиз» ва бошқа номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

Элёр ЖўРАЕВ

Чинозлик Дилдора Турсунова Чирчиқ шаҳрида старт олган «Kamolot»-tur» ёшлар веломарафонининг Тошкент вилояти босқичида ўн километр масофани босиб ўтди, бироқ ғалабани қўлга киритолмади.

Бугун Тошкент вилоятида Дилдорага ўхшаган велосипедчи қизлар кўп. Чирчиқ саноат коллежи олдида саф тортган велопойгачилар орасида қизлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳам бор эди. Улар велосипедларида йигирма километр масофани босиб ўтишди. Ёш иштирокчиларга эса ўн километр масофа белгиланди.

— Марафонда илк бор иштирок этаяпман. Бундай мусобақалар биз, ёшларни бирлаштириб, велоспортни оммалашти-

ришга катта ёрдам беради. Мусобақага ўзимнинг велосипедим билан келганман, — дейди ёш пойгачи Дилдора Турсунова.

Маррага барчадан аввал чирчиқлик Отамурод Уринов ва Шомансур Абдуманнопов, қибрайлик Умид Мирвалиев етиб келди. Энди улар веломарафоннинг республика босқичида иштирок этади. Мусобақада «Энг ёш пойгачи», «Энг маҳоратли техник пойгачи» каби номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди.

Марафон якунида тажрибали ва маҳоратли велопойгачиларнинг ёшлар учун маҳорат дарслари ҳамда маданий дастурлар уюштирилди.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА

Камолотга элтувчи кўприк



(Давоми, боши 1-бетда)

— «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг кўкрак нишони Ҳаракат аъзолари масъулиятини янада юксалтириш, улғаяётган ёш авлоднинг Ҳаракатга интилишини ошириш, унинг атрофида ёшларни кўпроқ жипслаштириш мақсадида Ҳаракат аъзоларига берилди, — дейди Самарқанд шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раиси Анвар Ҳамроев. — Бу йил Самарқанд шаҳридаги етмиш етти та умумтаълим мактабининг ўн ёшга тўлган 8316 нафар ўқувчиси «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилинади. Уларни «Камалак» болалар ташкилоти

аъзолигига қабул қилиш ва кўкрак нишонини топшириш босқичма-босқич амалга оширилади.

Тантанали маросимнинг айнан Регистон майдонида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бу ерда ўқувчилар тарихий обидалар билан яқиндан таништирилади. Аъзоликка қабул қилиш тантанаси бошланган ҳам эдики, бу ерга бир гуруҳ сайёҳлар ташриф буюрди. Улар ҳам ушбу тадбирнинг жонли гувоҳи бўлди. Сайёҳлар ўқувчилар инглиз тилида айтган шеър ва кўшиқларни эшитиб, ҳайратда қолишди.

— Бу чиройли ўғил-қизларнинг юзида хурсандлик ва табассумни кўряпман, — деди германиялик сайёҳ Андрэ Гринов. — Улар мушакил давлатингизнинг бахтиёр бо-

лаларидир. Ўқувчиларнинг инглиз тилида жўр бўлиб айтган «Бахтли болалик» кўшиғи бизни ҳайратда қолдирди. Улар чет тилида жуда раво гапирар экан. Мамлакатингиз келажаги қандай порлоқ эканини мана шу ёшлардан ҳам билиш мумкин.

— Бугун мен «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилинганимдан хурсандман. Ҳали мактабнинг бошланғич синфида ўқиб юрган пайтларимданок «Камалак»-ка аъзо бўлишни хоҳлардим. Мана, бугун Регистон майдонида дўстларим ва устозларим олдида она Ватанимни севишга ва асрашга, Президентим ва халқимга муносиб фарзанд бўлишга ваъда бердим. Кўксимдаги бу нишон мени аъло баҳоларга ўқишга, жамиятда янада фаол бўлишга ундайди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб ўқувчиси Азиза Абдуманнонова.

— Регистон майдонида «Камалак»-ка аъзо бўлганим бир умр хотирамда муҳрланиб қолади. Чунки мен учун Регистон майдонидек чиройли ва бетакрор жой йўқ дунёда, — дейди Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси Темур Турсунов.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда. Камалак жилосидек товланиб турган кўкрак нишони ҳар бир ўқувчида фахр уйғотади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Mustahkam oila sari

Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмитасида бўлиб ўтган тадбир таълим муассасаларида тахсил олаётган қизларни турмушга тайёрлаш мавзусига бағишланди.

Момолар ибратни — ҳаёт ҳикмати

49 та маҳалла, 17 та коллеж ва академик лицей, 32 та мактаб ва учта олий таълим муассасаси жойлашган туманда хотин-қизлар билан ишлашда ўзига хос тажриба тўпланган.

Мисқоллаб йиғилган ҳаётини кўникмалар турмушга чиққан пайтда ҳам камлик қилиб қолади. Ана шундай пайтда зарур билимларни, тажрибаларни ёши улуғ момолардан, ибратли турмуш кечирган оналардан ўрганиш лозим бўлади.

— Оиланинг муқаддаслигини нафақат ҳар бир ёш, балки катталар ҳам тўғри англаб етса, оилавий ажримлар, қайнона-келин келишмовчиликлари барҳам топган бўларди, — деди йиғилишда туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайё Саидикромова.

Йиғилишда хотин-қизлар кўмитаси олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилиб, тумандаги мавжуд таълим муассасалари мутасаддиларига зарур тавсиялар берилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

Дарсга ошиқиб келадиганлар...

Кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга инсонларнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, узоқ манзилларни кўзлаб йўлга чиққан оғир қарвонни кўргандай бўласиз. Олис манзилга етиш учун инсонда улкан мақсад, етарли куч, туганмас матонат, кучли сабр-тоқат бўлиши керак. Ана шундай фазилатларни ўзида мужассам эга олган инсонгагина нурли ва чарогон манзиллар пешвоз чиқиб, ўз оғушига олади. Орамизда шундай инсонлар бор. Фақат атрофга синчков назар ташласангиз бўлгани.



Жиззах шаҳрида таниқли устоз педагог Рустам Қўнаровни кўпчилик яхши танийди. Айниқса, Жиззах транспорт, алоқа касб-хунар коллежини турли йилларда битирган ўқувчилар устоз ҳақида анча илиқ гаплар айтади. Рустам аканинг сабоқлари, кўрсат-

ган йўл-йўриқлари билан бугун халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилаётган шогирдлар ҳам талайгина. Кўплари устозининг йўлини тутиб, ёшларга сабоқ бермоқда. Лекин Рустам ака «Шунча ишладим, фарзандлар катта бўлди, шогирдлар кўп,

энди дам, олай» дегани йўқ, ишлашда давом этяпти. Фаолият — Рустам ака учун ҳаёт мазмуни. Ҳали қиладиган ишлар кўп, деб ҳисоблайди устоз.

Рустам Қўнаровнинг ҳаёт йўли узун. Фориш туманининг Соғишмон қишлоғида — педагог

оиласида туғилган Рустам ака Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил олди. Дастлабки меҳнат фаолиятини шу институтда умумтехника кафедрасида лаборантликдан бошлади. Сўнг ўша пайтдаги Жиззах электромеханика техникумида амалиёт бўлими мудири бўлиб ишлади. Домла Жиззах транспорт, алоқа касб-хунар коллежи (собиқ Жиззах индустриал техникуми)да 1986 йилдан 2001 йилгача, яъни ўн беш йил давомида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлади. Бу орада у Жиззах политехника институтига ҳам муҳандис-механик мутахассислиги бўйича таъминлади. Кейин янги очилган Фориш маиший хизмат касб-хунар коллежига директорлик вазифаси Рустам Қўнаровга ишониб топширилди. Икки йил давомида бу коллежда давлат таълим стандартига жавоб берадиган иш ва ўқув жараёни йўлга қўйилди. Албатта, бунда Рустам аканинг кўп йиллик иш тажрибаси қўл келди. Устоз ўзига қадрдон бўлиб қолган Жиззах транспорт, алоқа касб-хунар коллежидан фаолиятини давом эттирди. Ушбу коллежда 2003 — 2009 йиллари ўқитувчи, бош уста вазифаларида яна тер тўкиб

ишлади. Ҳозирда 2009 йилда янги очилган Жиззах иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан касбий таълим бўйича директор ўринбосари бўлиб ишламоқда.

— Домла менинг ҳам устозим. Жиззах транспорт, алоқа касб-хунар коллежидан битирган пайтларим Рустам акадан ўқитувчиликнинг жуда кўп сирасорларини ўрганганман, — дейди Жиззах иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори Сарвар Мелиев. — Жамоамизда шундай инсон биз билан ёнма-ён ишлаётганидан фахрланаман. Чунки коллежамизда ёш ўқитувчилар кўп. Уларга Рустам акадай тажрибали устозларнинг йўл-йўриғи, маслаҳати жуда зарур. Ўқувчилар муаллимнинг ҳар бир сабоғига, дарсига шошилиб келади. Бу бежиз эмас, албатта. Рустам ака ҳар бир дарснинг дилдан ўтади. Юзак ишлаш — у киши учун бегона.

Домла меҳнат қилаётган ушбу коллежда ҳозир молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, менежмент, солиқ ва солиққа тортиш, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, ахборот тизимлари ва технологиялари, маиший хизмат техникалари ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста, телерадиоаппаратураларни таъмирловчи уста, нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технология йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

— Ўтган ўқув йилида

187 нафар ўқувчи коллежамизни битирган бўлса, уларнинг 175 нафари «Жиззах пласттекс» қўшма корхонасига, Жиззах аккумулятор заводида, «Отабексупертранс» МЧЖга ва бошқа турли банк, солиқ ташкилотларига, ишлаб чиқариш цехларига ишга жойлашди, — дейди Рустам Қўнаров мамнулик билан. — Қолган ўн икки нафар ўқувчимиз эса олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Ўқувчиларимиз эртанги кунга ишониб таҳсил олишмоқда. Уларнинг битириб ишга жойлашиши, эртанги кунга учун барчамиз бирдай масъулмиз. Ҳозирдан касб танлаб, келажак ҳаётини белгилашга интилаётган ёшларни кўриб, қувонаман. Энг муҳими, уларнинг умиди ва ишончи уйғок.

Рустам аканинг оиласига ҳам кўпчилик ҳавас билан қарайди. Мехрибон ва талабчан ота сифатида тўрт ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Катта ўғли Нурисломи ички ишлар ходими, Руслан банк соҳасида етук мутахассис, Лазизбек тадбиркор, кенжа ўғли Азизбек эса бу йил юқори балл тўплаб, Тошкент давлат юридик университетига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Булар устознинг оилавий ҳаётидаги муваффақиятларидир, албатта. Рустам аканинг бундан кейинги ишларига ҳам омад тилаб қоламиз.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Yo'1 harakati xavfsizligi

Эзгу тадбирлар давом этади

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, болаларда хавфсиз ҳаракатланиш кўникмаларини ҳосил қилишга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда мактаб, мактабгача таълим муассасалари, лицей ва коллежларда учрашувлар, давра суҳбатлари, викторина ва мусобақалар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикасида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 2010-2015 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» қабул қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлашга Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) билан бирга, бошқа қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳам жалб этилган.

Дастур доирасида ўқувчиларнинг ёзги таълими пайтида Ички ишлар вазирлиги томонидан алоҳида режа ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилган эди.

Унга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бош-

қармаси ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг буйруқлари асосида барча ёзги дам олиш оромгоҳларига профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва ДЙҲХХ ходимлари бириктирилди.

Оромгоҳлар атрофида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш учун ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари томонидан махсус гуруҳлар жалб этилди.

Ушбу ишларнинг мантиқий давоми сифатида болалар иштирокида содир бўлаётган турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, уларда ҳаракатланиш хавфсизлиги

кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида шу йилнинг 2 сентябрдан 12 сентябрга қадар республика миқёсида «Дикқат, болалар!» тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирда ички ишлар ходимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда халқ таълими ходимлари иштирок этди.

ДЙҲХХ ходимлари томонидан таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларига доир машғулотлар ўтказилиб, мактабларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича синфлар, бурчаклар ва махсус автомайдончаларни жиҳозлашда ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ДЙҲХХ ходимлари мактабларда ўтказилган «Биринчи кўнғироқ» тадбирида иштирок этиб, болалар билан йўл ҳаракати қоидалари бўйича суҳбатлар ўтказди. Тадбир давомида болалар томонидан содир этилган қоидабузарликлар мактаблар ва маҳаллаларда муҳокама этилди.

Республикаимизнинг мутақаддиси идора ва ташкилотла-



ри билан ҳамкорликда янги ўқув йили аввалида 14820 километр йўл ва кўчалар кўриқдан ўтказилиб, 732 дона йўл белгиси ўрнатилди ҳамда 885 дона эскирган йўл белгиси алмаштирилди. Шунингдек, 274 та пиёдалар ўтиш жойига йўл чизиклари чизилди. Кўрик натижалари бўйича маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идора ва ташкилотларга 205 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, «Биринчи кўнғироқ» тадбирида фойдаланиш учун қўшимча равишда 1065 дона турли хил кўчма йўл белгиси

захира сифатида тайёрланди.

Автомобиль йўлларида яқин жойлашган таълим муассасалари атрофида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинчалик ЙПХ постлари ташкил этилди.

Бу борадаги кенг қамровли ишлар давом эттирилмоқда.

Акмал ЮНУСОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ички
ишлар вазирлиги
ЙҲХББ инспектори,
капитан

Кўпинча чиройли ном, дизайн ва реклама чақириқлари ичимлик ҳақида истеъмолчиға ҳақиқий маълумотни бермайди. Масалан, ўрмон мевалари таъмли яхна чойни ичаётганда, табиийки, биз уни ҳақиқий чой ва мевалардан тайёрланган, деб ўйлаймиз. Аслида, маҳсулот таркибига на мева, на чой қўшилади. Керакли таъм, ҳид ва ранг эса маҳсул кимёвий қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади. Улар ҳақида эшитгандирсиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари қадоғида бундай қўшимчалар, одатда, «Е» ҳарфи ва рақамли код билан ифодаланади.

Яхна ичимликларнинг ҳаммасида «Е» қўшимчалари мавжуд. Айримлари таъмни кучайтирса, бошқалари керакли рангни ҳосил қилиш ёки маҳсулотнинг яроқлилик муддати узайтиришга ёрдам беради. Яхна ичимликларни тайёрлашда ишлатиладиган аксар қўшимчалар сунъийдир. Улар лаборатория шароитида кимёвий усулда синтез қилиб олинади. Шу боис организмга турли даражада зиён етказиши мумкин. Бироқ кўп сонли «Е»лар ичида табиий қўшимчалар ҳам бор. Булар ўсимлик, ҳайвон ёки минераллар (масалан, бўр, кум, ош тузи ва бошқалар)дан ажратиб олинади. Табиий озиқ-овқат қўшимчалари хавфсиз бўлса-да, анчайин қиммат. Маҳсулоти харидоригр бўлишини истаган ишлаб чиқарувчиға эса арзон хомашё керак. Бундай талабга ҳозирча фақат сунъий ёки синтетик қўшимчалар жавоб бера оляпти.

Дунёда миллионлаб инсонларнинг сеvimли ичимлигига айланган, машҳур бренд остида ишлаб чиқарилувчи яхна ичимликлардан бирининг таркибида ортофосфатли кислота мавжуд. Бу модда кислота ростлагичи вазифасини бажариб, маҳсулотни айниб қолишдан сақлайди. Бироқ ортофосфатли кислота организмга киргач, биринчи навбатда, жигарни ишдан чиқаради. Жигар эса қонда қанд миқдорини тақсимлаш учун жавобгар бўлган муҳим органлардан биридир. У ўз вазифасини бажаролмаслиги оқибатида қонда қанд моддаси миқдори кескин ошиб кетади. Натижада, қандли диабет юзага келади. Яхна ичимликларни доим истеъмол қилувчи инсонлар ва ҳатто болалар орасида диабет касаллиги кўп учрашининг асосий сабаби ана шунда.

Худди шу ичимлик таркибига кофеин ҳамда шакар коллери қўшилган. Кофеин какао дуккаларидан ажратиб олинган табиий модда. Шунга қарамай, у асаб тизимига кучли таъсир кўрсатади. Жумладан, инсонда кучли тобеликни келтириб чиқаришга қодир. Таркибида кофеин мавжуд ичимликни доимий истеъмол қилаверсак, ихтиёрсиз унга боғлиқ бўламиз. Энди шакар коллериға келсак. Бу — куйдирилган шакар. У, асосан, ранг берувчи модда сифатида ишлатилиб, маҳсулотга тўқ жигаранг тус беради. У ҳам инсон организмни учун хавфли.

Яхна ичимликларнинг барчаси ширин таъмга эга. Шунинг учун ҳам ҳавасимизни келтир-

са керак-да. Бироқ ширин таъм ҳали шакари бор, дегани эмас. Айниқса, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида гап кетганда. Озиқ-овқат саноатида, асосан, шакарнинг ўрнини босувчи икки модда — аспортам ва сахариндан кенг фойдаланилади. Улар шакардан 180 маротаба ширин, таннархи эса арзон. Аммо аспортам ҳам, сахарин ҳам синтетик модда ҳисобланади. Сунъий тарзда ҳосил қилинувчи органик моддаларнинг барчаси ўз моҳиятига кўра зарарли эканини эслатиб ўтиш жоиз. Демак, яхна ичимликларни ичиш ўзимизни аста-секин захарлаш билан баробардир.

Яхна ичимликларнинг аксарияти газланган бўлади. Маҳ-

бонат кислотасини ҳосил қилади. Ушбу кучсиз кислота консервант вазифасини бажаради. Натижада, маҳсулотда ҳеч қандай кимёвий реакция содир бўлмайди ва яхна ичимлик узок вақтга сифати бузилмай сақланиши мумкин. Қисқаси, ичимликни газлантириш орқали ишлаб чиқарувчи уни биратўла консервациялайди ва ортиқча харажатлардан қутулади. Иккинчи томондан, газли ичимликни кўп истеъмол қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Кунлик меъёр бир стакандан ошмагани маъқул. Чунки карбонат ангидрид захарли газ. Меъёрнинг бузилиши оқибатида организмда газ тўпланиб қолади. Қолаверса, газли ичимликлар қорин-

микрэлементларга бой бўлади. Аммо тайёр ҳолда, қадоқланиб сотиладиган шарбатларни юз фоиз фойдали, деб айтолмаймиз. Чунки уларга маълум миқдорда консервантлар, таъм, ҳид ва ранг берувчи сунъий моддалар қўшилиши мумкин. Масалан, гилос шарбати ўз ҳолича жуда нордон. Агар у фақат табиий хомашё — соф мева шиннисидан тайёрланадиган бўлса, тонналаб гилос талаб қилинади. Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар шарбатга шакар, аниқроғи, шакар ўрнини босувчи аспортам ёки сахарин қўшишдан манфаатдор. Бу моддалар мева концентратини суюлтириш ҳамда нордон таъмни бироз кесишга хизмат қилади. Чанқовбос-

Tanganing ikki tomoni

Яқинда бир нечта хорижий интернет сайтларида газли ичимликлар билан боғлиқ хавотирли хабар тарқалди. Хусусан, Россиянинг «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, дунёда ҳар йили ширин газли ичимликлар туфайли 180 мингга яқин ўлим ҳолати қайд этилмоқда. Америкалик олимлар бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш инсонда ортиқча вазн, қандли диабет, юрак қон-томир хасталиклари ҳамда саратон касаллигининг айрим турларини келтириб чиқариши тўғрисида маълум қилишган.

Бугунги кунда айрим мамлакатларда оммалашаётган семизлик касаллигини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири айнан ширин газли ичимликлар ичиш билан боғлиқ. Ортиқча вазн организмда моддалар алмашинуви бузилганда юзага келади. Моддалар алмашинуви — табиий жараён. Соғлом организм уни ўзи бошқариб, ўзи мувофиқлаштириб боради. Энди тасаввур қилинг, яхна ичимликларга қўшилиб ичимизга мунтазам равишда тушаётган турли-туман кимёвий моддалар гоҳ у орган, гоҳ бу органнинг ишига халақит бераверса, юқорида таъкидланган табиий жараён издан чиқиши турган гап. Шу билан бирга, яхна ичимликларни ҳуш кўрувчиларда, одатда, иммунитетнинг заифлашуви ҳам кузатилади. Иммунитет организмнинг химоя воситасидир. У организмга тушаётган бактерия, микроб ва бошқа зарарли микро-организмлар билан курашиб, бизни турли касалликлардан сақлайди. Сунъий йўллар билан ҳосил қилинувчи кимёвий моддалар, аслида, организмни миз учун ёт. Улар ҳаддан зиёд кўпайиб кетса, иммун тизими барчаси билан курашишга улгурмай қолади. Шундай қилиб, иммунитет заифлашиб, инсон турли касалликларга чалинувчан бўлиб қолади.

Очиги, яхна ичимликларга ҳаммамиз роса ўрганиб қолганмиз. Сотувда уларнинг турфа хилидан бор — кўнгил тусаганини танлаб олаверасиз. Фарзандимиз сал инжиқлик қилса, кўлига дархол рангли, ичи пуфакчали шиша идишни тутқазамиз. Ичиб мазза қилсин-да! Байрам дастурхонлари-ку, бундай маҳсулотларсиз кўзимизга кемтик кўринади. Албатта, уларни истеъмол қилаётганда ким ҳам таркибида нима бор, нимаси фойдаю, нимаси зиён экани билан қизиқиб кўради? Ахир, чанқоғимизни босса, шунинг ўзи кифоя эмасми?! Афсуски, инсон ҳаётида ҳақиқий кадр-қимматга эга нарсаларни доим ҳам кадрлайвермайди. Биз учун энг катта бойлик — соғлиқ. Бир қарашда беziён бўлиб туюлган ширин газли ичимликларни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш саломатлигимизга жиддий зиён етказиши ҳақида бугун олимлар ҳам, шифокорлар ҳам огоҳлантирмоқда. Хулоса эса ўзингиздан.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири



Ширин, ранг-баранг, чанқовбосди ва газли... Яхши ичимликларни ҳамма яхши кўради — болалар ҳам, катталар ҳам. Бундай маҳсулотларнинг турфа хиллари мавжуд. Қадоқланган шарбатлардан яхна чой ҳамда «энергетик коктейл»ларгача. Уларни нега ҳуш кўраемиз? Чанқоқни босадими? Қисман. Лаззат бағишлайдими? Бўлиши мумкин. Балки организмнинг суюқликка эҳтиёжини қондирар? Буниси ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қалай, кўнчилиқ томонидан истеъмол қилинадиган яхна ичимликлар ҳақидаги ҳаққоний гап ҳамон тўла айтилмай қолаётгандек, назаримизда.

сулотни газ билан тўйинтиришнинг битта фойдали жиҳати бор. У ҳам бўлса ишлаб чиқарувчи учун.

— Ичимликлар карбонат ангидрид ёрдамида газлантирилади, — дейди Тошкент кимё-технология институти озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Кўчқор Дадаев. — Карбонат ангидрид сув таркибидаги водород билан реакцияга киришиб, кар-

ни дамлатади. Бу эса бошқа органларнинг сиқилишига олиб келади.

— Умуман олганда, чанқовбосди ичимликлар икки гуруҳга ажратилади, — давом этади Кўчқор Дадаев. — Биринчиси — озуқа берувчи чанқовбосди ичимликлар: уларга мевали ва сабзавотли шарбатлар киради. Шарбатлар табиий нектардан тайёрланиши туфайли инсон учун фойдали озуқа моддалари, витамин ва

ди ичимликларнинг иккинчи гуруҳига барча турдаги яхна ичимликларни киритамиз. Уларнинг таркибида озуқа моддалари деярли учрамайди. Лекин кимёвий қўшимчаларни истаганча топасиз. Турли озиқ-овқат қўшимчалари кўринишидаги бундай моддалар, асосан, саноатдаги органик қолдиқлар, масалан, нефть ёки газдан ажратиб олинади. Улар органик асосга эга бўлгани билан барибир захарлидир.

Озиқ-овқат қўшимчалари турли мақсадларга хизмат қилади. Шунга кўра уларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

► **Ранг берувчи қўшимчалар E100-E199.**

Маҳсулотга муайян ранг бериш ёки рангини тиклаш мақсадида ишлатилади. Масалан, E150 қўшимчаси тўқ жигаранг ҳосил қилади. Бу қўшимча кўпроқ гўштли қайлалар, соуслар ва алкоғолсиз ичимликлар тайёрлашда ишлатилади.

► **Консервантлар ва кислота ростлагичлари E200-E299.** Маҳсулотда турли бактерия ва замбуруғлар кўпайишининг олдини олиб, яроқлилик муддатини узайтиради. Масалан, E 200 индекси билан ифодаланувчи сорбин кислотаси кўплаб яхна ичимликларга қўшилади.

► **Антиоксидантлар E300-E399.** Маҳсулотни ачиб, бижғишдан ҳамда рангини йўқотишдан асрайди. Асосан, ёғли маҳсулотларга қўшилади. Масалан, E310 пропилгаллат моддаси бўлиб, ўсимлик ёғи, сақичлар тайёрлашда кенг фойдаланилади.

► **Стабилизаторлар E400-E499.** Маҳсулотнинг керакли консистенциясини сақлаб туришга хизмат қилади, ундаги таркибий қисмларнинг бирикувчанлигини оширади.

► **Эмульгаторлар E500-E599.** Маҳсулотнинг бир-бири билан қийин бирикувчи таркибий қисмлари, масалан, сув ва ёғнинг ўзаро бирикшига кўмаклашади. Кўпроқ маргарин, музқаймоқлар тайёрлашда қўлланилади.

► **Таъм ва ҳид кучайтирувчи қўшимчалар E600-E699.** Бъзан улар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотидеги ёқимсиз ҳид ёки таъм ёқимлироғига ўзгартирилади.

► **Антибиотиклар E700-E800.** МДХ давлатларида бу қўшимчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритишга руҳсат берилмаган. Улар фақат ҳайвонларнинг озуқаларига қўшилади.



«Кинода роль ўйнама, кинода яша»

Отабек Мақамов кино санъатимизда ўз қиёфаси, сўзи, услубига эга бўлишга интилаётган истеъдодли актёрлардан. Нигоҳидаги қатъият, ҳаддан ортиқ жиддийликни кўриб, баъзилар у ҳақда бошқача фикрга боришим мумкин. Биз бу ҳолни унинг асл касби — ҳуқуқшунослигига йўйиб қўя қоламиз. «Фотима», «Мен юлдузман», «Ёндиради, куйдиради», «Мажруҳ», «Жодугар», «Келгинди келин — 2 ёхуд анжонча муҳаббат» фильмларидаги роллари орқали танилган ёш, истеъдодли актёр **Отабек Мақамов** билан сўхбатимиз унинг ҳуқуқшунослик эмас, санъатдаги фаолияти ҳақида бўлди.

— **Бутунлай бошқа соҳа кишиси эдингиз, асли юрист Отабек Мақамов қай тарихи санъатга қадам қўйди?**

— Болалигим кўпга таниқли санъаткорлар даврасида ўтган. Аслида, ҳаммаси бундай бўлди: бир куни режиссёр Зебо Нарўзова: «Отабек, «Бўрилар» деган фильм олаётган. Ҳуқуқий масалаларда ёрдамнинг керак», деди. Фильмда терговчи ролини театрдан чақирилган актёр ўйнаши керак экан. Съёмкаларни кузатдим. Ўша актёр ролни жуда ҳиссиётга берилиб ижро этапти. Аслида, терговчи ўзини бундай тутмаслиги, совуққон, ўз ишини пухта биладиган, тажрибали инсон сифатида кўриниши керак. Унга, ундай эмас, бундай қилинг, деб кўп тушунтирдик. Актёрга керакли маслаҳатларни бергач, «Ишим тугади, энди бизга рухсат», десам, режиссёр, ҳалиги актёрнинг ролидан кўнгли тўлмаган экан, шекилли: «Балки ўзинг ўйнасан», деб қолди. Шунда: «Йўқ, мен актёр эмасман, ҳуқуқшуносман», дедим. Актёр акамизнинг бироз жаҳли чиққандай бўлди, ўзи шунақа, бировга ўргатиш осон, бажариш қийин, деди. Бу гап менга оғир ботди. Бўпти, розиман, деганимни билмай қолдим.

Бадий кенгашда «терговчи», яъни менинг ролимни кўриб: «Янги актёр чиқибдими, қаердан топдинглар буни?» дейишган. Шунда режиссёр мени, маъқул келмади, шекилли, деб ўйлаб, хавотир аралаш саволга савол билан: «Нима эди?» дебди. Шунда: «Бизнингча, бу актёрни четдан чақиртирган бўлсаларинг керак. Нега энди шунча жойдан

овора қилиб чақириб, атиги беш минутлик роль бердинглар? Асосий роллардан бирини берсаларинг ҳам бўларди-ку, суратларини афишаларга чиқариш керак», дейишган. Шундан кейин ролим кенгайтирилиб, афиша ва баннерларда суратларимни чиқаришган. Билдирилган ишонч туфайли, шу-шу, фильмларда озми-кўп иштирок этиб келаяпман.

— **Мақтовга қандай қарайсиз?**

— Унчалик эҳтиёж сезмайман, аммо самимий бўлса, қабул қиламан. Лекин бу борада оймнинг ўз қарши бор. Венгрияда таҳсил олиб, йигирма беш ёшимда юридик фанлар доктори бўлганимда ҳам, «Ўзбегим ўғлонлари» республика танловида голиб бўлганимда ҳам ойм мени мақтамаган. Ўшанда хафа бўлиб: «Ойи, нега бир оғиз ҳам мени мақтамайсиз?» деганман. Шунда ойм: «Қиладиган ишларинг жуда кўп, мақтов эса одамни ялқов қилиб қўйиши мумкин», деди...

— **Мухлислар назарида бўлишинг масъулияти қандай?**

— Жудаям катта. Масалан, илгари кўчагами, дўконгами чиқсам, эгнимдаги либосларга аҳамият бермасдим. Энди эса кийинишга жиддий эътибор берадиган бўлдим. Негаки, мухлислар, айниқса, ёшлар ўзига идеал ва кумир кидиради. Қолаверса, ёшлар қизиқувчан, тақлидчи ҳам бўлади. Уларни кийиниш маданиятига ҳам ўргатиш керак. Айтишади-ку, кийинишингга қараб кутиб олишади, билимингга қараб кузатиб қўйишади, деб.

Ёки мухлис сизни хоҳлаган жойда тўхтатиб, расмга тушишни таклиф қилиши мумкин. Мухлислар назаридаги санъаткор ҳар қандай вазиятда эътиборли кийиниши, яхши муомалани бўлиши шарт.

— **Ўзингиз талқин этган қаҳрамонлардан бирор нарса ўрганасизми?**

— Кинода кимлар билан роль ўйнаган бўлсам, улар менга ҳам ҳамкор, ҳам устоз. Хитойлик файласуф Конфуцийнинг бир гапи бор: «Ҳеч ким бу дунёда сенга дўст эмас, душман эмас, лекин ҳар бир инсон — биз учун буюк устоз». Ҳатто энг қабиҳ кишидан ҳам ёмон одам бўлмасликни ўрганиш мумкин. Санъатдаги ҳамкорларимдан нимадир ўргангим келади. Масалан, Озодбек Назарбековнинг муомала маданиятига, босиқлигига, Дилноза Кубаеванинг актёрлик маҳоратига, Улуғбек Қодировнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам, съёмка майдонида қаҳрамони образига кира олишига ҳавас қиламан. Фикримча, жаҳон кино юлдузларидан актёрликка ўқимаганлариям бор. Масалан, Ален Делонга: «Сиз актёрликка ўқимагансиз, олий маълумотингиз ҳам йўқ. Қандай қилиб бу даражага эришдингиз?» дея савол беришади. У шундай жавоб беради: «Бир қадрдоним бор эди — Бриджит Бардо — таниқли киноактриса, хонанда. Ўша менга доим: «Ален, агар дунё танийдиган киноактёр бўлишни истасанг, ҳеч қачон кинода роль ўйнама, балки ўша роль ичида яшагин», дер эди. Шунинг учун мен ҳам кинодаги ролларимда «яшаш»га ҳаракат қиламан.

Бу гаплар билан ҳаммаям ўқимасдан ўз касбининг устаси бўлиб кетади, демоқчи эмасман. Гапларимни истеъдод ҳақида, деб тушунинг. Умуман олганда эса, муайян соҳада профессионал бўлиш учун, албатта, ўқиш керак.

— **Сизнингча, омад нима?**

— Омад — меҳнатнинг ичига яширинган кўринмас тушунча. Ёшлигимда энг яхши кўрган жойим кутубхона эди. Интернет у пайтлар ҳозиргидек оммалашмаганди. Баъзи ўртоқларим, китобнинг нима кераги бор, усиз ҳам бизнес қилса бўлади, дерди. Атрофимда илмли инсонлар кўп бўлган. Улар билан сўхбатлашиш, баҳслашиш имконияти бўлган менда. Ёшлигимда ҳам яхши кўрардим ва ҳозир ҳам менга француз тили ёқади. Яхшиям вақтида француз, инглиз, немис тилларини ўрганганман. Парижга борганимда бир куни бизнес ҳамкорларим билан ресторанда овқатланиб ўтирсак, биздан кейинги столда тамадди қилаётган машҳур «Такси» фильмининг режиссёри Жерар Кравчик, продюсер Люк Бессонга кўзим тушди. Секин уларнинг ёнига бориб, саломлашдим, ўзимни таништирдим, ижодингизни ҳурмат қиламан, дедим. Улар ишлаган фильмлар ҳақида фикр билдирдим. Бироз гаплашгач, кетишга чоғланганим, улар тўхтатиб, мени кечки овқатга таклиф қилишди. Ўша куни тунги соат бирдан эрталабки тўққизгача сўхбатлашганмиз. Бир нарсдан хурсандманки, вақтида чет тилларни ўрганган эканман. Шу тўфайли жаҳон кино юлдузлари билан танишиш, мулоқот қилиш,

дўстона муносабатда бўлишга муяссар бўлдим.

— **Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг «Мени кучлироқ сев» кўшиги клипида кечинмаларингиз биргина нигоҳга кўчган, нигоҳ эса маъноларга...**

— Жуда қизиқ бўлган. Клипда суратга тушиш менга ёқмасди. Тўрт-беш дақиқада образ яратиш қийин. Бир куни клип режиссёри Хуршид Собиров интернет орқали менга «Сизни бир халқ артистининг клипида таклиф қилмоқчиман, лекин кимлигини айтмайман, нима дейсиз?» деб ёзибди. Мен: «Кечирасиз, клипларда суратга тушмайман», деб жавоб ёздим. Озроқ вақт ўтгач, телефон рақамимни топиб, яна айтишди. «Ака, қатнашмайман, дедим-ку», дедим. У: «Сценарийни электрон почтага юзатайлик, бир кўринг, ёқмас, майли, бошқа безовта қилмайман», деди. Бу самимий муомаладан, тўғриси, хижолат бўлдим. Уч варақли сценарийни ўқиб кўрдим. Кичик салбий роль экан. Сценарий бўйича қизни кутиб олишим, йигит билан қиз бир-бирига қараб туриши керак. Клипнинг энг охири саҳналари куп-қуруқ бўлган, яъни суратга олиш майдонида Озодбек Назарбеков ва Райҳон Уласенова йўқ эди. Улар қани, десам, йигит билан қиз совқотиб кетди, исинишяпти, дейишди, кун эса ботяпти, вақтни йўқотмасдан, съёмка жараёни тезроқ тугатишимиз керак, дейишди. Шунда мен куруқ дарахтга қараб, ансамни қотириб ролимни ижро этганман. Режиссёр, йигит билан қиз бир-бири билан топишди, сиз уларга қараб турсангиз бўлди, деб топшириқ берди. Мен эса, нега қараб турарканман, деб уларга тескари қараганман — бу сценарийда йўқ эди, ўзим қўшганман. Қаранг, клипнинг айнан шу эпизоди кўпчиликка ёққан экан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимова ҳам буни алоҳида эътироф этиб табриклади. Қўшиқ ижрочиси ким эканини эса, фақат аэропортдаги эпизод олинганидан кейин билганман...

**«Turkiston» мухбири
Майсара НАЗАРОВА
сўхбатлашди**

Саёҳатдан барча мамнун

Tashabbus

Ҳонободлик бир гуруҳ фаол ўқувчи-ёшлар Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятига саёҳат қилишди. Ҳар йили Ҳонобод ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежида «Анджонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳомийлигида математика, физика, чизмачилик, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Билимлар фестивали» ўтказилади.

Бу йилги фестиваль ҳам ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Фестивалда қатнашган юз нафарга яқин ўқувчиларнинг барчасига корхона томонидан таъсис этилган совгалар, ўқув қуроллари жамланган сумкалар топширилди. Юқори натижаларга эришган ҳамда «Анджон-

кабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган «Ёш кабелчи» тўғараги ўқувчиларини мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш, Ватанимиз тарихини, ота-боболаримиздан қолган бой маданий меросимиз-

ни кўрсатиш мақсадида саёҳат уюштирилди.

Дастлаб ёш саёҳатчилар пойтахтимизда жойлашган Мустақиллик майдони, «Шаҳидлар хотираси» хиёбони, Тошкент телеминорасини томоша қилишди. Сўнг Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб, профессор-ўқитувчилар билан учрашишди.

Саёҳатчилар шундан сўнг Бухорога йўл олишди. У ерда хонободлик


ёшларни Бухоро вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси вакиллари, Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи раҳбарияти кутиб олди. Улар уч кун давомида Бухородаги муқаддас қадамжолар, машҳур тарихий обидаларни томоша қилди.

Ўқувчилар саёҳатдан бир олам таассурот билан қайтди.

**Азиз НУРИЛЛАЕВ,
Ҳонобод ахборот технологиялари
ва саноат касб-хунар коллежи
директори**

Сўз айтса, гумбурлар тоғлар дараси

Яхши гап барибир яхши-да. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз орасида сурхондарёлик Хушбоқ бахши Мардонакулов ҳам борлигини, «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» юксак унвонига сазовор бўлганини эшитиб, юртимиздаги барча оқину бахшиларнинг боши кўкка етди. Ахир, бу унвон фақат Хушбоқ бахшига эмас, балки ўзбекистонлик оқинлар меҳнатига, фаолиятига Юртбошимиз, давлатимиз томонидан қаратилган юксак эътибор, ғамхўрлик ифодаси!



Хушбоқ бахши қўлига отамерос дўмбирани олиб, терма машқ қила бошлаганида олти-етти ёшли болакай эди. Йиллар ўтиб унинг иқтидори катта-кичик давраларда сайқаллана борди. Ёши улғайгани сайин дostonлари ҳам кўпайиб, халқ йиғинлари у айтган дoston-термалар билан янада тароватли, қизгин бўла бошлади.

Миллий санъатимизга, бой қадриятларимизга қизиқиш боис, оқин дастлаб Термиз санъат коллежини, сўнгра Тошкент маданият коллежини тамомлади. Бу орада педагогикка кўнглида иштиёқ ўйғониб, Термиз давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олди.

Ўқишни тамомлагач, Хушбоқ Мардонакулов ўзи униб-ўсган Шеробод туманидаги мактабларда она тили ва адабиёт, мусиқа фанларидан дарс берди. Бир муддат туман маданият уйи бадиий раҳбари вазифасида ишлади. Кейинчалик Қизирик туманига кўчиб келди ва нафақага чиққунига қадар тумандаги 2-мактабда она тили ва адабиёт, мусиқа фанларидан ёшларга сабоқ берди.

Хушбоқ бахши дostonчиликда

ўзига хос йўналишни танлаган. Унинг «Алпомиш», «Балогардон», «Соқи булбул» дostonлари ҳамда «Кўнглинг ўзга бўлмасин» номли шеърий тўплами кўплаб фольклоршунос олим ва адабиётшуносларга яхши маълум. Айниқса, бахши тилидан «Алпомиш» дostonининг Сурхондарё варианты ёзиб олинishi вилоят дostonчилик мактабида унутилмас воқеа бўлди. Уни фольклоршунос олим Тоштемир Турдиев Хушбоқ бахши Мардонакуловдан ёзиб олиб, китоб ҳолида нашр эттирди.

— Истиқлол туфайли ажодларимиздан қолган кўплаб қадриятлар қатори бахшичиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Хушбоқ бахши Мардонакулов. — Илгари бахшичиликка шунчаки халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида қаралган бўлса, эндиликда у санъат даражасида эътироф этилиб, янги босқичга кўтарилди. Юртимизнинг ҳар бир худудига хос оқинлар мактаби ривожига алоҳида эътибор қаратилляпти, бу майдонга энди қадам қўйган ёш бахшилар муносиб рағбатлантириляпти. Бу ҳаммаси истиқлолнинг шарофатидандир.

Бахшичилик азалдан халқимиз

бой маънавий меросининг ажралмас қисми бўлиб келган. Тўй-танталар, байрам-сайллар оқинларсиз ўтмаган. Улар қўлга дўмбира олиб, мардлик, жасурлик, ёвқурлик ҳақида дostonлар, термалар айтиб, ёшлар шуурига ватанпарварлик, эл-юртга муҳаббат тўйғуларини оҳанглар орқали сингдирган. Шу боис бахшилар доим халқназариде, эътиборида бўлган. Мустақиллик йилларида улар меҳнати муносиб тақдирланаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Хушбоқ бахши Мардонакулов айна изланиш палласида. Янги-янги дostonлар яратиб, халқ оғзаки ижодини янада бойитиш йўлида иш олиб бормоқда. Ёш авлод камолотида дostonлар муҳим аҳамият касб этишини бахши яхши билади. Шу боис ўзига издош ёш оқинларга дўмбира чертишу сўз теришни ўргатишдан чарчамайди. Чунки унинг қалбида катта ниятлар яшаяпти. Ниятларки, ҳар бирида Ватан шони, шаъни учун жонфидолик, фарзандларни баркамол авлод этиб вояга етказиш мақсади мужассам.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири



Отахонлар отахони

Эфиопияда 160 ёшли қария яшаётган экан. Дакабо Эбба исми мўсафид чекка бир қишлоқда яшагани сабаб, ҳукумат рўйхатида бўлмаган.

Унинг икки аёли ва бир ўғли анча йиллар олдин вафот этган. Ҳозир у қариндошлариникида яшайди. Айни пайтда бир қанча мутахассислар Эббанинг уйига бориб, уни 1884 ва 1885 йилги воқеалар юзасидан саволлар бериб синаб кўришмоқда. У барча саволларга тўғри ва аниқ жавоб бераяпти. Агар Дакабо текширувлардан муваффақиятли ўтса, унинг номи Гиннеснинг «Рекордлар» китобига киритилади.

Техника тараққиёти

«Apple» компанияси «iPhone»нинг янада такомиллаштирилган моделлари тақдимотини ўтказди.

Тадбирда янги «iPhone 5C» ва «iPhone 5S» моделлари намойиш қилинди. Хитой ва Япония бозори учун мўлжалланган, пластик корпус туфайли нисбатан арзонроқ «iPhone 5C» беш хил — яшил, кўк, сариқ, пушти, оқ рангда ишлаб чиқарилади. Шеригидан бироз қимматроқ бўлган «iPhone 5S»нинг корпуси эса одатдагидек шиша ва алюминийдан тайёрланган бўлиб, у қора, кумушранг ва тилларанг бўлади. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам кучли «Apple A6» процессори, 4 дюймли экран ва 8 мегапикселли камера ўрнатилган.

Намунали садоқат

Гавайи оролларида бирида яшовчи аёл ўз исми сабаб, ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилай олмади.

Оролнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги ташкилоти маълумотларига кўра, янгиланган тартибдаги гувоҳномада фамилия учун берилган жойга 34 та ҳарф сиғади. Женис Киэханайкука-уакахихулихиикфхаунаэленинг фамилияси эса 35 ҳарфдан иборат. Лекин Женис фамилиясидан воз кечмаслигини, бу исм марҳум турмуш ўртоғининг ота-боболарига бўлган ҳурмати ифодаси эканини айтди. Шундан сўнг, ҳукумат мамлакатда ота-боболарнинг исмлари фарзандлари исмига қўшилиши сабаб, гувоҳномада фамилияга мўлжалланган ҳарфларни қирқтага оширишга ваъда берди.

Машинадан қиммат эчки

Саудия Арабистонилик фермер дунёдаги энг қиммат эчкини сотди.

Эчкини 3,5 миллион АҚШ долларига маҳаллий чорвадорлардан бири харид қилган. Эчкини сотган фермернинг сўзларига қараганда, жонивор ўзига хос хусусиятларга эга ва ноёб турга мансуб. Аммо бу савдо кўпчиликка ёқмади. Бу ҳолатни пулни бекорга соvuриш, дея баҳолашди. Эчкининг қачон ва қанчага сотилиши ҳақидаги хабар аввалроқ интернетда тарқалгани сабаб Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмалли савдода саудиялик кўплаб чорвадорлар қатнашди. Фермерларга маҳаллий аҳоли томонидан суриялик қочоқларнинг ҳаёти оғир аҳволдалиги эслатилиб, бу пулга миллионлаб одамларга ёрдам бериш мумкинлиги айтилди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади

ҲАЁТ

*Обкашида сув тутган қишлоқ,
Ҳаёт ҳиди келар қирлардан,
Бугдой берган эй иссиқ тупроқ,
Ифтихорим, жонажон Ватан!*

*Ҳар нафасим болаликдек соф,
Тиниқ будоқ, пурвиқор тоғлар.
Бунча ширин, бунчалар шаффоф,
Оқ тонглари эслаган чоғлар.*

*Ифор бергай интиқ дилларга,
Бетакрордир табиат сеҳри.
Сочилади соғинч йилларга,
Яшайверар, жо бўлар меҳри.*

ЁШЛИК ШЕЪРИ

*Гуллар каби очиламиз бўй таратиб,
Юлдуз каби сочиламиз нур таратиб.
Бошимизда кенг осмон бор, она Ватан,
Биз, ёшларнинг юрагида кўр таратиб.*

*Биз — бахтиёр ёшлармиз, келажакмиз,
Яйраб-қувнаб яшаймиз, ўқигаймиз.
Ёшлик фаслин бегаб илму шижоат-ла,
Биргаликда ёшлик шеърин тўқигаймиз.*

*Қўл ушлашиб, олтин ҳалқа ясагаймиз,
Келажакка дадил қадам ташлагаймиз.
Юракларга Ватан меҳрин жойлаб обдон,
Эзгу ишни ғайрат билан бошлагаймиз.*

ТИЛАК

*Ҳар тонг қалбага ишқ сеҳрин жойлаб,
Рухим атрин сочсам гулларга.*

*Осуда тун шавқини туйиб,
Бахтиёрлик инса дилларга.*

*Мурувату саховат ҳамроҳ,
Эзгуликнинг таралса нури.
Бахт чарақлаб чақноқ кўзларда,
Юракларда ҳаёт сурури.*

*Эркаланиб боғларни кезсам,
Кабутардек учсам самода.
Узалган қўл юлдузга етиб,
Ниятларим бўлса ижобат.*

*Карвон йўлдан адашмай юрсак,
Тоza дилга кўнмаса ғубор.
Ватан меҳри тўлиб юракка,
Мудом хазон билмаса баҳор.*

МАНЗАРА

*Ёзнинг чиройига зеб берар замин,
Синоат яшайди ҳар ўт, гиёҳда.
Тупроқнинг қатига синганда шарбат,
Тириклик барқ урар ҳар бир япроқда.*

*Сирли кўринади бу замин яна,
Ҳали ўқилмаган китоб сингари.
Бир-бир ўтаяймиз ойлар устидан,
Гўзаллик жилваси порлаган сари.*

*Ҳар дарахт шоҳида уйғонар меҳр,
Ҳар лаҳза юракка малҳам мўъжиза.
Ёнбошлаб тинглайди кўҳна эртани,
Ёзнинг чойшабига ўранганича...*

Зарбуви АЛҚАРОВА

Nafis tuyg'ular



Кўпчилик тенгдошларим хат ўрнида телефонларида SMS ёзишади. Мен эса, ҳарбий хизматдаги дўстимга хат ёзмақчийдим. Бундан ташқари, байрамларда совғалар ҳам жўнатиш имконияти бор экан. Почта жўнатмаларини қандай юборсам бўлади? Бундай жўнатмалар учун тўловлар мавжудми, бўлса қай тартибда тўланади?

Лазизбек, Қарши шаҳри

Саволга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга қарашли «Тошкентпочтампти» ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Инес Тошмухаммедова жавоб беради:

— Мамлакатимиз ҳудудида почта хизматлари «Ўзбекистон почтаси»нинг барча алоқа бўлимларида қабул қилинади. Почта жўнатмалари турларига қараб хатлар, почта варақчалари, бандероллар, посилкалар,

секограммлар (кўзи ожизлар учун) ва майда пакетлардан иборатдир. Улар оддий ва буюртма тарзда қабул қилиниб, етказиб берилади. Хатлар жўнатилаётганда конверт ва почта маркаси сотиб олинади. Бу эса хатни жўнатиш учун тўлов ҳисобланади. Бандеролларга тўхталадиган бўлсак, ўлчовлари, оғирлиги ва ўраш тартиби почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган босма нашрлар, иш қоғозлари ва бошқа буюмлар солинган



1 savolga 1 javob

почта курьерлик жўнатмаси турига киради.

Посилкалар эса, ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби почта алоқаси хизмати кўрсатиш қоидаларида белгиланган, жўнатишга рухсат этилган саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший товарлар солинган почта курьерлик жўнатмасидир.

Бандерол ва посилкаларни маҳаллий ва халқаро йўналишларда жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Бундай турдаги хизматлар учун тўловлар белгиланган прейскурантга биноан амалга оширилади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади

Ғалабалар олдинда

Тошкентда тез орада дзюдо бўйича гран-при мусобақаси ўтказилиши маълум бўлди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтадиган мусобақанинг соврин жамғармаси юз минг АҚШ долларидан иборат.

Мусобақа ҳар йили ўнга яқин мамлакатда навбатманавбат ўтказилса-да, Тошкент уни ўтказиш ҳуқуқини тўрт йилга, яъни 2016 йилгача ютиб олган. Бундай натижага ўзбек дзюдо мактаблари ва спортчиларимизнинг халқаро аренадаги муваффақиятига берилган холис баҳо сифатида қараш мумкин.

Омад тилаймиз

Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлардан иборат футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 18 сентябрь куни Тошкентда қатарлик тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. «Жар» стадионида бўлиб ўтиши кутилаётган бу учрашув Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учун Тошкентда бўладиган саралаш баҳсларига сўнгги тайёргарлик вазифасини ўтайди. Ёшларимиз 27 сентябрь куни Фаластиннинг ўн олти ёшгача бўлган ўсмирларига қарши майдонга тушса, 29 сентябрь куни яманлик тенгдошларига қарши ўйнайди.

Соябон, шамсия	Куш тури	Сурат, фото	...-стул	Ичра (поэтик)	Инкор этиш
Қашқадарёдаги туман	Венгрия автобуси	Хиндистондаги шаҳар	...-авра		
6					
4 5 2					
7					
6				...-сира	
1					
4 9	Тўпмай-дон ташқари-сида	Спектакль кўйил-диган жой	Эра		
4 2					
9			...-Пас (шаҳар)		
3 1 7				1 3	8
				2	7
				3	5
	Илиб кўй!	"Бўрининг ... хам емаса хам оғзи қон"		4	
	Гўзал, барно			2	7
	"Во ..."	Отанинг опаси			8
				1	3
				9	8
	От (форсча)	Оғиздаги аъзо			1
					6
Мева тури	Самбо, кураш, бокс				
		Бурж номи			

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт комплексида пинчак силат бўйича «Uzbekistan Open — 2013» мусобақаси якунланди.

Пенчак силат ғолиблари

Турнирда Малайзия, Сингапур, Озарбойжон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан 300 нафарга яқин спортчи қатнашди. Турнир 12-13, 14-16, 17-40 ёш тоифалари асосида ўтказилди. Ўз вазн тоифаларида Елизавета Қодирова, Наргиза Сарсенбоева, Шерзод Абдуғаниев, Элдор Набиев, Нодира Қозоқова, Сетора Бобокалонова, малайзиялик Муҳаммад Фикрий, Аҳмад Шаҳрул, Сити Раҳмах, сингапурлик Муҳаммад Шокир олтин медалга эгалик қилди. Зулфия Розикова аёллар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, турнирнинг мутлақ ғолиби наманганлик Фурқат Ёқубов бўлди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ, «Turkiston» мухбири



Жарқўрғон минораси

Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон минораси Ўрта Осиё меъморчилигида ғиштдан безак бериш санъатининг юксак намунаси ҳисобланади. У 1108 — 1110 йилларда уста Муҳаммад Али томонидан қурилган.

Миноранинг баландлиги 21,6, эни эса 5,4 метр. Жарқўрғон минорасининг архитектурасти ўзига хос услубга эга. Ғиштнинг бадиий имкониятлари уларнинг ташқи безагини белгилашда муҳим аҳамият касб этган. Аслида, ғишт минора юзаси нақшини ташкил этувчи бирдан-бир элемент бўлса-да, уларнинг бир текис, раван терилиши ҳисобига минора ўзига хос кўриниш касб этган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, «Turkiston» мухбири

E'lon

«UNITED MEDIA GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ жамиятнинг устав фонди қўйидаги шаклда ўзгартирилганлигини маълум қилади.

Эски ҳолати:

Тожиев Алишер Аҳмад ўғли 21278750 сўм 45,9 %

«KAMOLOT MEDIA» МЧЖ 25078000 сўм 54,1 %

Янги ҳолати:

Тожиев Алишер Аҳмад ўғли 18881000 сўм 42,7 %

«KAMOLOT MEDIA» МЧЖ 25654000 сўм 57,3 %

Директор А.Тожиев

YON DAFTAR CHANGIZGA

Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзил: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекс: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма **Г-943**.
Адади — **8391**
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.25
ЎЗА якуни — 23.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6